

## ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАР: АҚЛ-ИДРОК ЎЗАНИ ЛОЙҚАЛАНМАСИН

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларда йирик гидроиншоотлар қуришга зўр берилётгани масаласи нафақат минтақада, балки хорижда ҳам мутахассисларнинг, оммавий ахборот воситалари ходимларининг қизғин муҳокама марказида бўлиб қолди. Тўғриси, бу масалада кимдир топиб гапираяпти, кимдир қошиб... Агар шу нуқтаи назардан фикр юритадиган бўлсак, соғлом фикр юритувчиларнинг тоши тарози палласини босиб кетаётганлиги ҳам ҳақ гап.

Бу ўринда МДХ давлатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарих фанлари доктори, профессор, рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Алексеевич Князевнинг **"Ҳақиқат эмас, афсона: Марказий Осиёдаги йирик ГЭСлар тақдири номаълумлигича қолмоқда"** мақоласи диққатга сазовордир. Очиғи қатор интернет нашрларда эълон қилинган ушбу мақола хавфли сейсмик ҳудудларда йирик гидроиншоотлар қуриш ҳаракатини кучайтираётганларга ва уларнинг тегирмонига сув қуяётганларга кучли зилзила каби қаттиқ таъсир қилган шекилли, улар ёмон туш кўрган одамдек қаттиқ ер силкиниши каби силкиниб тушган бўлсалар, ажаб эмас.

Ушбу мақолада Россия Федерациясининг Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларда қурилатган йирик гидроиншоотлар масаласидаги позицияси ҳақида ҳам фикр юритилиб, Россия томони айни пайтда бу каби лойиҳаларни молиялаштиришдан манфаатдор эмаслигини кўрсатиб, бунинг учун уларни халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлигини тан олганлиги ҳам ўз ифодасини топган. Бу ва бу каби фикрлардан маълум бўлаяптики, Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёлари юқори қисмида баҳайбат тўғонлар қуришда хорижликлар ҳам Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига таянилган йўлини қўллаб-қувватлашмоқда. Шундай экан, Тожикистоннинг айни пайтдаги иқтисодий ахволи, бюджети ҳамёнининг қарийб пучлиги ва ниҳоят, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги каби ўткир муаммоларни трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатлар манфаатига путур етказган ҳолда йирик гидроиншоотлар қуриш орқали ҳал этишга интилиши нафақат хаёлпарастлик, балки ўз халқининг қўйини пуч ёнғоққа тўлдиришдан бошққ нарса эмас. Улар аслида бундай беъмани лойиҳаларни халқаро ҳамжамият, ўзлари ишонган хориж давлатлари ҳам молиялаштиришдан бош тортишгандан кейин икки оёқ бир этикка тикилиб қолгач, бундай боши берк кўчага олиб борадиган йўлдан юришдан бошқа илож тополмаяптилар, шекилли. Шунинг учун ҳам Тожикистон раҳбарлари бундай йирик гидроиншоотлардан арзон электр энергияси олиб, уни қўшниларига қимматга сотиш эвазига бойиб кетамиз, деган орзу осмонида қанот боғлаб учишаётир. Лекин улар ўз қанотлари Тянь-Шань ва Помир музликларига ёпишиб, қотиб қолишини, хаёлий

парвозлари муваффақиятсизликка учраб, фожиа билан хотима топишини ўйлашмаяпти ҳам. Тўғри, иқлим ўзгариши туфайли "Дунё томи"даги музликлар қачонлардир эриб битиши ва бу қанотлар яна ўша орзунинг осмонида парвоз қилиши мумкин. Лекин музликлар эриб битгандан кейин бундай парвознинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади.

Агар Тожикистон буюк кўшниси Хитой Халқ Республикасига электр энергияси сотишни ният қилган бўлса, бу ният ниятлигича қолиб кетиши бугун беш қўлдай аёндир. Чунки Хитойнинг Синьцзянь-Уйғур автоном районида айни пайтда мавжуд энергетика тақчиллиги қисқа муддат ичида ички имкониятлар ҳисобидан бартараф этилади, дейишга тўлиқ асосимиз бор. Хитой томони бу ҳудудда яқин 2-3 йил ичида йирик иссиқлик электр энергияси қувватларини фойдаланишга топширишни мўлжаллаётгани фикримизнинг исботидир. Бунинг учун эса уларда табиий захиралар ва иқтисодий имконият ҳам етарли. Хитойнинг энг нуфузли газетаси "Женьминьжибао"нинг ёзишича, ушбу ҳудуд ёқилғи захираларига жуда бой ҳисобланади. Шу боис автоном районда жорий йилнинг ўзида нефть ва табиий газ қазиб олиш 60 миллион тоннага, 2020 йилга бориб 100 миллион тоннага етказилади. Қолаверса, Хитой нефть захираларининг 30 фоизи, газ захирасининг 34 фоизи, кўмирнинг 40 фоиз захираси айнан Синьцзянь-Уйғур автоном районида эканлигини ҳисобга олсак, бу ерда қисқа муддат ичида энергетика тармоғи тараққиёти энг юқори босқичга кўтарилади. Демак, Хитой томонининг кўшниларида электр энергиясини импорт қилишига эҳтиёжи йўқ. Ахир, ким ҳам ўз тандирида иссиққина нон пишиб турганида кўшниларида нон сотиб олади? Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси минтақа экологиясига, табиатига, атроф муҳитига, одамлар ҳаётига хавф солинмаслиги кафолатланмаган, пойдевори ҳаёлпарастлик аралашмаси билан қурилаётган, Марказий Осиёдаги барқарорликка путур етказувчи йирик гидроиншоотлар қурилишига бош кўшишни истамайди ҳам.

Агар Тожикистон томони Амударёнинг ажралмас қисми ҳисобланмиш Вахшда Роғун ГЭСини қуриш орқали арзон электр энергияси ишлаб чиқариб, Покистонга қиммат нархда сотишни ўйлаётган бўлса, бу ҳам ҳақиқатдан кўра хом хаёлликка яқиндир. Чунки Покистон дунёда урanni етарли даражада бойита оладиган бармоқ билан санокли давлатлар қаторига киради. Покистоннинг ўзида гидроэнергетикани ривожлантириш имкониятлари ҳам катта. Агар бунга ушбу юртда атом энергетикасини тараққий эттириш муаммо эмаслигини ҳам кўшсак, ушбу давлатга Тожикистондан электр энергиясини импорт қилиш зарур эмаслигини билиб оламиз. Шундай экан, Тожикистондагиларнинг катта миқдорда арзон электр энергияси ишлаб чиқариб, қимматга сотамиз, Помирдан ҳам баланд бойлик тўплаймиз, деган ниятлари Помирдаги музликлар сингари иқлим ўзгариши туфайли қисқа фурсатда эриб кетиши шубҳасиздир.

Мулоҳазаларимизга яқун ясамоқчи эдик-ку, лекин минтақамиздаги трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган кўшни давлатлар

оммавий ахборот воситалари орқали кулоққа чалинган баъзи бир гаплар эсга тушиб қолди. Улар Сирдарёнинг ирмоғи ҳисобланган Норинни, Амударёнинг ажралмас қисми Вахшни миллийлаштиришга интилиб, ҳатто улардан оқаётган обиҳаётни бир миллат суви дейишга ҳам боришаётганликлари нафақат мутахассисларнинг, балки оддий одамларнинг ҳам кулгисини кистамоқда. Ахир, дунёда бирор бир дарёнинг суви бир миллат номи билан аталмаганидан кейин кулмай бўладими?! Агар бу кетишда давом этадиган бўлса, ҳадемай кўшнилари миз, мабодо, шамол улар томондан эсиб қолса, Тянь-Шань ва Помирдан келаётган майин шабадани ҳам бизники, деб даъво қилишлари, ҳавони ҳам миллийлаштиришлари, бизнинг ҳавомиздан нафас олаяписизлар, дея товон пули талаб қилишлари ҳеч гап эмас.

Хуллас, трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш борасида миллий манфаатларни ҳимоя қилишда минтақавий манфаатларга, кўшнилари мизнинг хоҳиш-иродасига зид бўлмаган ҳолда иш кўрилса, кўшнилари миз ўзлари тан олишни ва имзо чекишни хоҳламаётган халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилсалар, сиз ҳам, кабоб ҳам куймас эди. Боз устига, Қирғизистонда ҳам, Тожикистонда ҳам истиқболли кичик ГЭСлар қуриш ғоясини қўллаб-қувватлаётган кучлар оз эмас. Бундай саъй-ҳаракатларга халқаро ҳамжамият, хориж давлатлари, хусусан Ўзбекистон ҳам бажонидил бош кўшиши мумкинку, ахир! Шундай қилинганда ҳам кам харажат, ҳам атроф муҳитга, минтақа экологиясига, миллионлаб инсонлар ҳаётига таҳдид солмайдиган бундай ихчам гидроиншоотлар қуриш учун хориждан қарз сўраб, ялиниш ҳам, ўзи бир амаллаб кун кечириётган, қора қозонини зўрға қайнатаётган аҳолига бўлмағур акцияларни чиқариб сотиш ҳам талаб этилмайди. Аксинча, улар ҳам бундай ихчам, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда ҳам бевосита, ҳам билвосита иштирок этишади. Ахир, катта гидроиншоотларни кучли зилзилалар бўлиши эҳтимоли кучли ҳудудда бунёд этишнинг ўзи катта хавф туғдириши барчага аён-ку! Бундай ҳолда катта иншоотнинг катта хавфи парчалари биринчи навбатда ўша ҳудудда яшаётган аҳолининг устига кулаб тушишидек оддий ҳақиқатни кўшнилари миз инкор этмасликлари керак, деб ўйлаймиз. Бунинг учун улар ақл-идрок дарёси ўзанида тўпланиб қолган лойқаларни биринчи навбатда тозалашлари зарур.

**Борий АЛИХОНОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги**  
**Ўзбекистон Экологик ҳаракати**  
**депутатлари гуруҳи раҳбари,**  
**Тожиддин ҚАМАРОВ,**  
**Ўзбекистон Экологик ҳаракати**  
**матбуот хизмати раҳбари.**